МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 24 декабрь,
№105 (1072)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

САЙЛОВ — 2014

## Парламент сайлови Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлигини намойиш этди

**Ўзбекистонда 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди.**

Сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб 22 декабрь куни ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов парламент сайлови мамлакатимизни янада демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилишда муҳим босқич бўлганини таъкидлади.

Матбуот анжуманида дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 18 миллион 400 мингдан ортиқ сайловчи иштирок этгани ва бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 89 фоизини ташкил этиши маълум қилинди. 8311 нафар сайловчи эса муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунининг 44-моддасига мувофиқ парламент Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтган, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, 113 сайлов округидан депутатлар сайланди. Қонунчиликка биноан қолган 22 сайлов округида икки ҳафта муддатда депутатликка энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз берилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 47, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 28, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 21, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 17 депутат сайланди.

Сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг вакилларидан Қонунчилик палатасига номзод этиб кўрсатилган 15 нафар депутат яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги бошқа қонунларда мустаҳкамланган барча демократик норма ва принципларга риоя этилган ҳолда ўтказилгани таъкидланди.

Сайлов жараёнида маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолият кўрсатгани унинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга ёрдам берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини элликдан ортиқ давлатдан ва беш халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан 300 дан зиёд кузатувчи, шунингдек, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 70 мингдан ортиқ кузатувчи ва ваколатли вакили кузатиб борди.

Сайловни мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 нафардан зиёд вакили ёритди. Уларнинг фаолиятига кўмаклашиш мақсадида сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилиб, унда журналистлар учун барча шароит яратилди. Бу ерда матбуот анжуманлари, брифинг ва семинарлар ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси жойлардан сайловга доир қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳақида маълумотлар келиб тушмаганини таъкидлади. Шундай бўлса-да, Марказий сайлов комиссияси ишонч телефони орқали мурожаатлар, таклифлар, баъзи масалалар юзасидан эътирозлар бўлди. Уларнинг барчасини қонунда кўрсатилган тартиб ва муддатда кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича тегишли чоралар кўрилди.

> [2]

НУРОНИЙЛАР ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ




Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

## Ҳар бир сўзи, насиҳати ёшларга ибрат

**«Қариси бор уйнинг париси бор». Бу ҳикмат кўнглимизга эзгу тилакларни жойлаб, бизни ҳаракатга ундайди. Ҳар гал бувимнинг уйига борганимда бунга амин бўламан. Ортга ҳикматлар хазинаси билан қайтаман, бувимнинг сўзлари, ҳаёт йўлларидан сабоқ оламан. Хонадонларимиз фаришталарининг тажрибалари биз ёшларга чинакам сабоқ.**

**Садоқат МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Обиназар» маҳалласидаги ҳар бир ишга пиру бадавлатлар маслаҳати билан киришилади. Маҳалла фаоллари юрт тараққиётига дахлдор ишларни амалга оширишда «Нуронийлар» маркази аъзолари тажрибаси ва имкониятларидан унумли фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқда.

> [4]

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

## Ўзбекистон буюк келажак сари дадил бормоқда

**Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов жараёнини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юздан зиёд кузатувчи бевосита кузатиб борди. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.**

**Зенонас ВАЙГАУСКАС, Литва Марказий сайлов комиссияси раиси:**

— Ўзбекистон мустақиллик йилларида улкан тараққиётга эришди. Жамиятнинг барча жабҳаларида, хусусан, сайлов тизимида ҳам халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган тамойиллар жорий этилиб, у янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакатингизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда. Бу ислоҳотларнинг самараси 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда яна бир карра намоён бўлди.

Сайловда кузатувчи сифатидаги иштироким халқингизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти ҳақидаги таассуротларимни янада бойитди. Ўнлаб сайлов участкаларига бориб, амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдим. Юртингизнинг барча ҳудудларида сайловга қизғин ҳозирлик кўрилгани ва тадбир юқори савияда ўтганига гувоҳ бўлдим. Халқингиз кўтаринки кайфиятда, ташаббускорлик руҳида сайловда иштирок этди. Овоз бериш жараёнида тенглик, адолатлилик, ҳаққонийлик принципларига тўла амал қилинди.

Мамлакатингиз парламентига ўтган ушбу сайлов Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг янада кучайишига хизмат қилади. Партияларнинг фаоллиги ва партиялараро рақобат даражаси ошади. Бу Ўзбекистонда демократиянинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.




(ЎзА) олган сурат.

**Тадеуш БОДИО, Варшава университети Сиёсий фанлар институти профессори (Польша):**

— Ўзбекистон тарихан қисқа даврда — мустақилликнинг ўтган йигирма уч йилида қўлга киритган улкан ютуқларига ҳавас қилса арзийди. Мамлакатингиз эришаётган муваффақиятлар Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг «ўзбек модели»ни ҳаётга татбиқ этишнинг амалдаги натижасидир. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

> [2]

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

## Мустаҳкам ҳамжиҳатлик гарови

**Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни мамлакатимизни демократик янгилашда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқаролар йиғинларининг турли ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.**

**Бекзод МАШАРИПОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими бошқарув раиси ўринбосари**

Қонунда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларини жалб этиш ҳамда кўнгиллилар ёрдамида турли ижтимоий дастурларни амалга ошириш мумкинлиги қайд этилган. Бу маҳаллаларда баркамол ва соғлом авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ҳам қўл келади.

Қонунда белгиланган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш эса, албатта, ҳуқуқий саводхонликни талаб этади. Шу боис Фонднинг бўлим ва бўлинмалари Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунини жойларда тарғиб қилишаётир. Мазкур ҳужжат Хоразм вилоятида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

> [2]

ЭНГ НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

## Фаолият такомили изчил давом этади

**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани бўлинмаси ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари фаолиятини намунали йўлга қўйишда уларга услубий-амалий кўмак бериб келмоқда. Хусусан, йиғин биноларини қайта таъмирлаш, ходимларга қулай меҳнат шароитини яратиб беришга алоҳида эътибор қаратиляпти.**

**Нигина ШОЕВА**
**«Mahalla»**

Жорий йилда «Полвонлар юрти» йиғинининг янги гузари фойдаланишга топширилди, «Камар» маҳалласи биноси капитал таъмирланди. Бўлинма томонидан ажратилган маблағ ҳисобига йиғинларга компьютер жамланмалари ҳамда мебель жиҳозлари олиб берилди.

Бўлинмада фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида қаноатлантириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш бўйича катта тажриба тўпланган. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунларининг мазмун-моҳияти фаолларга кўргазмали қуроллар воситасида ҳамда тақдимот усуллари орқали тушунтирилмоқда. Бўлинманинг бу борадаги тажрибаси оммалаштирилмоқда.

> [2]

МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАДИМИ?

## Комиссиялар кўмаги қўл келмоқда

**Бугун Самарқанд вилоятидаги 1243 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг 13 тасини шаҳарча, 124 тасини қишлоқ ва 1106 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Улар томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.**

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**«Mahalla»**

Фуқаролар йиғинлари ҳамда Фонднинг ҳудудий бўлинмаларида фуқаролар мурожаати доимий равишда ўрганилиб, таҳлил этиб борилади. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ўн ойида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлимига 313 та ариза тушди. Уларнинг 228 таси корхона ва ташкилотлардан, 85 таси фуқаролар томонидан йўлланган.

Мурожаатларнинг аксарияти фуқаролар йиғинлари ваколатларига доир масалалар бўлиб, уларда қонуний ҳақ-ҳуқуқлар талаб этилган. Жумладан, ҳисобот даврида 2-14 ёшгача тўланадиган нафақалар юзасидан ёзилган аризалар сони 34 тани ташкил этади.

> [2]

ҚАРОР ВА ИЖРО

## Юксак инсонпарварлик ва ғамхўрлик ифодаси

**Президентимиз Ислом Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2014 йил 14 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижроси жойларда изчил таъминланмоқда.**

**Санобар БОЙМУРОДОВА**
**«Mahalla»**

— Вилоятимизда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга ошираётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бошқаруви раиси Ёрқул Турсунов. — Амнистия туфайли жазони ижро этиш жойларидан қайтаётган шахсларни иш билан таъминлаш, ёлғиз ва кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганларни ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топшириш, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаши учун зарур шароит яратиш юзасидан тегишли чоралар кўрилаётир.

Яқинда Қарши шаҳридаги «Зоғза» маҳалласидан уч нафар фуқаро амнистия асосида жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинди.

— Маҳалла ҳар бир кишига яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам тиргак, — дейди йиғин раиси Илҳом Ҳамроев. — Озодликка чиққанларнинг хонадонидан бугун одам аримаяпти. Юртбошимиз ғамхўрликлари боис маҳалладошлар уларни кечириб, илиқ кутиб олишди. Ҳамма ҳам хато қилади, бироқ хато қилган одамни кечира олиш, уни тўғри йўлга тушиб олишига ёрдам бериш фақат инсонпарвар кишиларга хос фазилатдир.

Қизиққонлиги туфайли жанжалга аралашиб қолган Ислом Ҳазратқулов 4 йилга озодликдан маҳрум этилганди. Бугун у қилмишидан пушаймон. Жазони ўташ муддати давомида эзгу амалларни кўнглига туккан, фақат яхшиларга эргашиб ўзидан яхши ном қолдиришни мақсад қилган И.Ҳазратқулов оиласи бағрига қайтганидан хурсанд.

— Билдирилган ишончдан, ғамхўрликдан миннатдорман, — дейди у. — Жазони ўташ муассасасида хатоларим ҳақида кўп ўйладим ва қаттиқ пушаймон бўлдим. Бирдан-бир орзуим — ҳаётда тўғри йўлни топиш, фақат менга ишонишса, мени кечиришса бас, дердим. Худога шукр, орзуим ушалди. Амнистия шарофати билан муддатдан олдин озод этилдим. Энди оилам, болаларимга бош бўлиб, маҳалла-кўй хизматини қиламан.

Амнистия акти қўлланилиб, фуқаро Абдураҳмон Бердиев озодликка чиқди. Унга ҳам маҳалла томонидан керакли ёрдамлар кўрсатилмоқда. Аввало, соғлигини тиклаши учун Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохонага ётқизилди. Шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази билан келишилган ҳолда унга иш жойи ҳам тайин қилинди.

Бу каби бағрикенглик адашганларга хатоларини англаш ва улардан хулоса чиқариш учун сабоқ бўлмоқда. Зеро, ўтган йилларда озодликка чиқарилган маҳкумлар бугун ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан оиласи фаровонлигини таъминлаб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишяпти.

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

# Ўзбекистон буюк келажак сари дадил бормоқда

< [1]

Сайлов жараёнини Тошкент ва Бухоро шаҳарларида кузатдим. Сайлов участкалари барча зарур моддий-техника ва ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлангани, яширин овоз бериш кабиналари билан жиҳозлангани, сайлов қутилари ўрнатилгани ҳамда участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларнинг тўлиқ рўйхати тузилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон — кўппартияли мамлакат. Сайлов жараёнларида иштирок этган партияларнинг ҳар бири ўзига хос ўринга эга эканига амин бўлдик. Сайлов барча халқаро нормалар — ошкоралик, ҳаққонийлик ва очиқлик каби тамойилларига тўлиқ риоя этилган ҳолда, юксак савияда ўтди. Сайлов байрамона муҳитда ўтгани, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва кўтаринки кайфият менга жуда ёқди. Демократик тараққиёт йўли Ўзбекистонни буюк келажак сари етакламоқда.

**Ефим КИЛАРЬ,**
**МДҲ Ижроия қўмитаси департамент директорининг ўринбосари:**

— Ўзбекистонда парламент сайлови юксак савияда, жуда муваффақиятли ўтди, дейиш учун тўла асос бор. Мамлакатингиз фуқаролари овоз бериш учун сайлов участкаларига байрамона руҳда ташриф буюриб, бу жараёнда фаол иштирок этгани жуда қувонарли.

Сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатар эканмиз, Ўзбекистоннинг сайлов тизими қонунчилигига ва бу борадаги халқаро стандартларга зид келадиган хатти-ҳаракатларни, камчиликларни учратмадик. Сайлов жараёни барча қонун-қоидаларга мувофиқ, ғоят тўғри, очиқ ва адолатли ўтди.

**Бахман Ага РАЗИ,**
**Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосарининг маслаҳатчиси:**

— Парламент сайловлари давомида кўплаб сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиб, шунга гувоҳ бўлдикки, барча сайлов участкаларида мазкур сиёсий тадбир учун юксак даражада тайёргарлик кўрилган. Барча участкалар сайлов қонунчилигига мувофиқ зарур техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминлангани катта таассурот қолдирди.

Сайлов участкаларида бошқа давлатларда учрамайдиган ўзига хос жиҳатларга гувоҳ бўлдик. Масалан, ёш болали фуқаролар учун қулайлик яратиш мақсадида она ва бола хонаси ҳамда сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида саломатлигини таъминлаш учун тиббиёт хонаси ташкил этилгани Ўзбекистонда инсон қадри ғоят баланд эканининг яна бир инъикосидир. Бундай гўзал ва хайрли ислоҳотлардан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди.

**Кенъичи МАЦУМОТО,**
**Япониянинг тиббиёт ускуналари соҳасида ташқи техник кўмаклашиш ташкилоти президенти:**

— Парламент Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловни кузатарканман, Ўзбекистонда ушбу муҳим сиёсий воқеага катта тайёргарлик ишлари амалга оширилганига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Сайловчиларнинг фаоллиги эътиборимни тортди. Участкаларда сайловни ўтказиш учун барча зарур шароитлар яратилди. Бу Ўзбекистон халқи ўзи танлаган демократик тараққиёт йўлидан собитқадам бораётганидан далолат беради.

**Фолькер НЕЕФ,**
**«Berliner Blatt» электрон нашри бош муҳаррири (Германия):**

— Сайлов жараёнининг юксак савияда ташкил этилгани, сайловчилар учун яратилган қулайликлар мени ҳайратлантирди. Масалан, бюллетен матни сайлов ўтказиладиган жойга қараб, уч тил — ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилган. Сайлов участкалари тонги соат олтида очилиб, кеч соат саккизда ёпилгани ҳам менда катта таассурот қолдирди. Овоз бериш учун етарлича вақт берилиши сайловчиларга ўз конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш имконини берди. Саломатлиги ёмонлиги сабабли сайлов участкасига кела олмаган ва кекса ёшли кишилар учун уларнинг хонадонларида овоз бериш ташкил этилгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

**ЎзА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Бобур ОБИДОВ ёзиб олди.**

САЙЛОВ — 2014

# Парламент сайлови Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлигини намойиш этди

< [1]



Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг олий органи — Конференция томонидан тақдим этилган баённомалар ҳамда бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ушбу ҳужжатларнинг ҳаммаси, зарур ҳолларда эса алоҳида участка сайлов комиссияларининг материаллари Марказий сайлов комиссияси томонидан яна бир бор синчиклаб кўриб чиқилади. Шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари тўғрисида қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилигига кўра, сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтгандан сўнг 10 кунлик муддатдан кечиктирмай матбуотда эълон қилинади.

Марказий сайлов комиссияси раиси сайлов сифат жиҳатидан янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ва Олий Мажлис томонидан 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Концепция асосида қонунчилик соҳасида амалга оширилган ишлар самарасида давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кучайтирилди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятлари кенгайтирилди. Шу билан бирга, ҳукуматнинг парламент олдида, жойлардаги давлат бошқаруви органларининг халқ депутатлари Кенгашлари олдидаги масъулияти оширилди.

Бош вазир лавозимига номзод Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партия томонидан таклиф этилиши тўғрисидаги норманинг конституциявий қонунчиликка киритилиши сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва ролини янада ошириш имконини берди, янги имкониятлар яратди.

Шунингдек, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар бирлашмалари ва сиёсий партиялар фракцияларининг роли ҳам оширилди. Конституциямизда парламент ва жамоатчилик назорати институти, уни амалга ошириш механизмларининг мустаҳкамлангани ҳокимиятни демократик модернизация қилишда улкан аҳамият касб этди.

Ўтказилган сайлов электоратнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий етуклик даражаси ошганини ёрқин намойиш этди. Сайлов демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида Ўзбекистон халқи ҳамжиҳатлигининг кўзгусига айланди.

Матбуот анжуманида иштирок этган маҳаллий ва хорижий журналистларнинг 2014 йилги сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Сардор ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири.**

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

# Мустаҳкам ҳамжиҳатлик гарови

< [1]

Вилоятимиздаги 602 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида қонун тарғиботи бўйича давра суҳбатлари, учрашув ва тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари жадвалига «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун тарғиботига бағишланган мавзу киритилиб, тингловчиларга унинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунчалар берилмоқда. Шунингдек, қонунни ўрганиш жараёнида жойларда ижтимоий аҳамиятга эга масалалар билан боғлиқ мақсадли режа ва лойиҳалар шакллантириляпти.

Фонднинг Урганч тумани бўлинмаси билан ҳамкорликда «Қўнғирот» маҳалла ва Ғойбу қишлоқ фуқаролар йиғинида, Шовот тумани бўлинмаси билан эса «Арбоблар» маҳалласида давра суҳбати ташкил этилиб, унда фаолларга қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар берилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий-иқтисодий дастурларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлашда, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлари, комиссиялар, жамоатчилик-маслаҳат органларининг фаолиятида, биргаликдаги тадбирлар ҳамда муҳокамаларда ижтимоий шериклик тўғрисидаги битимлар, шартномалар тузиш, қўшма лойиҳалар, шунингдек, режалар ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкинлиги тушунтирилди.

Мазкур қонун тарғиботига бағишлаб яқинда Хонқа туманидаги Олажа қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган йиғилишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими масъул ходимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими вакиллари ушбу ҳужжатнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини амалий мисоллар орқали тушунтириб беришди.

Мухтасар айтганда, Фонднинг Хоразм вилояти бўлими ва бўлинмалари томонидан олиб борилаётган қонун тарғиботи нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини юксалтиришга, фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.




МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАДИМИ?

# Комиссиялар кўмаги қўл келмоқда

< [1]

— Фаолиятида камчиликлар аниқланган фуқаролар йиғинларида йиғилишлар ташкил этдик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Эркин Зубайдуллаев. — Муаммолар жойида ҳал этилиб, тегишли чоралар кўрилди. Умуман, фонд тизимида ижро интизоми, ариза ва шикоятлар билан ишлаш доимий назоратга олинган. Бу борада олиб борилаётган ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади.



Мурожаатлар билан ишлашда, муаммога ўз вақтида ечим топишда йиғинларнинг фаолият йўналиши бўйича комиссиялари хизмати катта бўляпти. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги «Саид» маҳалласи манзилига Азимбекова кўчасидаги 7-хонадонда яшовчи фуқаро Елена Зазян қўшнилари табиий газ қувуридан нотўғри фойдаланаётгани сабаб унинг хонадонигача газ етиб бормаётганидан шикоят қилди. Мурожаат Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия томонидан ўрганилиб, масала ижобий ҳал этилди. Шунга ўхшаш яна бир ҳолатда мазкур маҳалладаги 119- ҳамда 121-кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати юзасидан шикоят қилганда комиссия аралашуви билан муаммо бартараф этилди.

Кам таъминланган оилаларга соғлигини тиклаш ва кўмак сифатида берилган моддий ёрдамлар қарийб 90 миллион сўмни ташкил этади.

Шунингдек, шартнома асосида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган етим ва ногирон талабалардан 26 нафарига 75 миллион 800 минг сўм миқдорида маблағ ўтказиб берилди.

Ҳар бир мурожаат қонун талаби асосида ўз вақтида ўрганилиб, тегишли тартибда аризачиларга жавоб қайтарилаётгани фуқароларнинг маҳалла идорасига ишончини ошираётир.

ТАНЛОВ

# Яраштириш борасида беллашув

**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг намунали Яраштириш комиссияси» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди.**

**О. ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»**

Танловда туман ва шаҳар босқичларида иштирок этган 135 та фуқаролар йиғинининг мазкур комиссия вакиллари орасидан ғолиб бўлган 14 та жамоа куч синашди.

Муросасиз кечган танловда Қанликўл туманидаги Арзимбетқум овул фуқаролар йиғини ҳузуридаги Яраштириш комиссияси 1-ўринни қўлга киритиб, ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда факс аппарати билан тақдирланди. 2-ўринга лойиқ топилган Тўрткўл туманидаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги комиссия аъзоларига эса диплом ва мебель жиҳози топширилди. Чимбой туманидаги Бердақ номидаги маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги Яраштириш комиссияси 3-ўринни эгаллаб, диплом ҳамда телефон аппаратини қўлга киритди.

САЙЛОВГА ОИД САВОЛ

# Такрорий сайлов ва такрорий овоз бериш тартиби

***САВОЛ:***

**— Такрорий сайлов ва такрорий овоз бериш тартиб-қоидалари ҳақида маълумот берсангиз.**

***ЖАВОБ:***

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 45-, 46- ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 42-, 43-моддаларида такрорий сайлов ва унда овоз бериш тартиблари белгиланган.

Башарти, сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш тадбирини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ҳамда бу ҳақда тегишли сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган, деб ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиш фоизи ҳисобга олинмайди.

Сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган, такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса, сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса, такрорий сайловлар ўтказилади.

Такрорий сайлов тегишли сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кечи билан бир ой ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

***Сайловга оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан.***

ЭНГ НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

# Фаолият такомили изчил давом этади

< [1]

— Фаолиятимизни такомиллаштириш мақсадида ҳудудимиздаги фуқаролар йиғинларига қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини етказиб берилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жарқўрғон тумани бўлинмаси раиси Султон Асадов. — Шунингдек, мутахассисларни жалб этиб, маҳалла фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳаракат қилинмоқда. «Намуна» маҳалласида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун талаблари, ноқонуний миграцияга йўл қўймаслик, «оммавий маданият»нинг салбий оқибатлари мавзуларида тадбирлар уюштирилди. «Адашганлар қисмати», «Одноклассники», «Алданган аёл», «Ватангадолар» фильмлари намойиши тарғибот ишлари самарадорлигини оширди.

Шунингдек, «Қорақурсак» маҳалла фуқаролар йиғинида 2015 йилнинг 1 январидан кучга кирадиган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда маҳалла фаолларига яқиндан кўмак берилди.

Бўлинма томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Намунавий низом асосида фаолият юритаётган комиссияларнинг иш режаси ҳамда уларнинг асосий вазифалари тўғрисида йиғин фаолларига тушунча ва тавсиялар берилмоқда.

Айниқса, «Сурхон соҳили», «Боботоғ», «Марказ», «Дўстлик» йиғинларида асосий йўналишлар бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар эътиборга молик.

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жарқўрғон тумани бўлинмаси томонидан кўрсатилаётган услубий кўмак йиғинлар фаолиятини яхшилаш, комиссиялар самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир, — дейди «Соқчи» маҳалласи раиси Абдукарим Мардаев. — Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Муқаддас динимизга юксак эътибор ва эҳтиром» асарларида, шунингдек, қатор маърузаларида белгиланган мақсад ва вазифаларни аҳоли ўртасида тарғиб қилишга қаратилган 50 дан зиёд давра суҳбати ташкил этилди.

Фонд маҳаллалар қошидаги тўгараклар фаолиятини намунали йўлга қўйиш орқали ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳисса қўшмоқда. «Намуна» маҳалласининг 100 нафардан зиёд йигит-қизлари тикувчи, зардўз, дурадгор, сандиқчи ва бешиксозларга шогирд тушган.

Бўлинма жорий йил «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ўтказилган «Энг намунали бўлинма» танловида ғолибликни қўлга киритди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда Фонднинг Жарқўрғон тумани бўлинмаси томонидан аниқ режа асосида иш олиб борилаётир.



## Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажонов



Мамлакатимизнинг фаол фермерларидан бири, Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажонов вафот этди.

К.Мамажонов 1939 йили Тошлоқ туманида туғилди. Меҳнат фаолиятини дастлаб Тошлоқ туманидаги жамоа хўжалиги ишчиси вазифасидан бошлаб, кейинчалик Тошлоқ тумани жамоа хўжалиги механизатори, бригада бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. 2003 йилдан фермер хўжалиги бошлиғи сифатида самарали фаолият олиб борди.

К.Мамажонов ўзининг қарийб 60 йиллик фаолияти мобайнида пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида фидокорона меҳнат қилди. Айниқса, мустақиллик йилларида юртимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, дала меҳнаткашларининг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш борасида ўзининг моҳир ташкилотчи, ташаббускор раҳбар сифатидаги фазилатларини намоён этди.

Жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, Тошлоқ туманидаги қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, ёшларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, қишлоқ хўжалиги соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш ишларида ҳам ташаббус кўрсатди.

Унинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. К.Мамажонов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони ва «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотланган эди.

Моҳир қишлоқ хўжалиги ходими, камтарин ва меҳнаткаш инсон Комилжон Мамажоновнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.ҒАНИЕВ**

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

# Ҳуқуқ ва мажбурият бирдек таъминланади



**«Бешкапа» — Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги йирик маҳаллалардан. Умумий майдони салкам 130 гектар бўлган ҳудудда 1247 та хўжалик, 11 та ташкилот ва муассаса жойлашган. Улар билан ишлаш, аниқ мақсад йўлида ҳамкорлик қилиш фуқаролар йиғини фаолларидан катта масъулиятни талаб этади.**

■ **Илҳом РАҲМАТОВ**
**«Mahalla»**

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига асосан ҳар чоракда туман ҳокимининг фуқаролар йиғинларида ҳисоботини эшитиш йўлга қўйилган.

— Учрашувлар фаолиятимизни янада такомиллаштириш, кундалик муаммоларга ечим топишда муҳим омил бўлаётир, — дейди «Бешкапа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одилжон Бобохонов. — Яқинда Чортоқ педагогика коллежининг мажлислар залида йиғин кенгаши аъзолари, фаоллар тўпланди. Туманимиз ҳокими Алишер Бойхонов жорий йилнинг учинчи чорагида амалга оширилган ишлар самараси ҳақида ҳисобот берди. Йиғинда кенгаш олдида турган вазифаларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар сифатини янада яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Мавжуд имкониятлар таҳлил этилиб, бу борада бевосита ҳокимлик томонидан ёрдам кўрсатилиши айтилди.

Ўтган қисқа фурсат ичида мулоқот чоғида кўтарилган масалалар ижроси юзасидан тизимли ишлар бажарилди. Жумладан, тадбиркор Каримбой Тожибоев томонидан «Оқтикан» массивида барпо этилаётган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши якунланиб, ишга туширилди. Натижада 4 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Бундан ташқари, 3 нафар коллеж битирувчисига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банкдан имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди.

Фуқаролар йиғинига келиб тушаётган аксарият мурожаатларда табиий газ масаласи кўтарилади. Шуни инобатга олиб, туман ҳокимининг амалий ёрдами билан 350 та хонадонга махсус баллонларда суюлтирилган газ етказиб бериш йўлга қўйилди. Яқинда туман газ таъминоти идорасидан яна 100 та баллон олиниб, фуқароларга ижара шартномаси асосида тарқатилди. Бу, ўз навбатида, қорли-қировли кунларда одамлар оғирини енгил қилишга сезиларли ҳисса қўшди.

Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги қонун асосида фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада мустаҳкамлаб қўйилгани, хусусан, мутасадди идоралар раҳбарларининг йиғин олдида ҳисобот бериши такомиллаштирилгани айни муддао бўлди. Бу тизим, ўз навбатида, ҳудудларда йиғинлар нуфузининг янада ортиши, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви, энг асосийси, эзгу ишлар бардавомлиги ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда қўл келаётир.

ҚОНУН МОҲИЯТИ

# Хавфсизлик кафолатида муҳим меъёрий асос

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойили — қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳуқуқбузарлик, айниқса, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.**

■ **Махсума ОРТИҚОВА,**
**Миробод тумани 5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.**

Зеро, қонун устувор, ҳуқуқ-тартибот мустаҳкам давлатда жамиятнинг барқарор ўсиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимояси юқори даражада кафолатланади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бундай жиноятлар содир этилгандан кейин эмас, балки уларнинг олдини олиш принципи асосида ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Хусусан, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ягона, тизимли ва комплекс ёндашувни таъминлаш мақсадида 2014 йилнинг 14 майида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун соҳага мутлақо янгича ёндашув, яъни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалаларга устуворлик бериш, жумладан, ҳуқуқбузарлик содир этилмаслиги учун, аввало, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, социал муаммоларнинг, хусусан, ишсизликнинг олдини олиш, реабилитация ва ижтимоий мослашувга оид тадбирларни кучайтириш, ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, тегишли органлар, ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор бериш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилгани билан таснифланади.

Қолаверса, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва жараёнда иштирок этувчи ташкилотларнинг уч тоифаси ҳамда уларнинг аниқ ваколатлари ўз ифодасини топган.

Қонунга мувофиқ, нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки ижтимоий соҳа ва таълим муассасалари — меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар сифатида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш долзарб вазифадир. Чунки таълим муассасаларида таълим ва тарбиянинг тўғри йўлга қўйилмагани, жумладан, ўқув жараёнларида ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг сустлиги, болаларнинг қизиқиши ва имконияти даражасида касб-ҳунарга йўналтирилмагани оқибатида ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойиллик ортади. Бундан ташқари, шахснинг муайян ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаслиги, шахсий ёки оилавий эҳтиёжларини қондира оладиган даражадаги иш ҳақига эга бўлмаслиги ҳам салбий оқибатлар юзага келишининг асосий омилидир.

Шундан келиб чиқиб, қонуннинг 16-, 18-моддаларида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълимни, соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари зиммасига қатор жиддий ваколатлар юклатилди. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида жамоатчилик ҳамда ҳар бир фуқаронинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи муассасаларга кўмаклашиш, қолаверса, ички ишлар органларининг тегишли профилактика инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ваколати берилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ушбу қонун ҳуқуқбузарликлар сонининг камайиши, жамиятда тинчлик-осойишталикнинг ҳукм суриши, хавфсизликнинг кафолатланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

# Олис овулларда сифатли тиббий хизмат

**Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг аксарияти овул ва қишлоқларда яшайди. Шу боис тиббий хизмат кўрсатиш, юқумли касалликларга қарши эмлашни вақтида амалга оширишда тиббиёт ходимлари билан фуқаролар йиғинлари фаолларининг ҳамжиҳатлиги қўл келаётир.**

■ **Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Қанликўл тумани республиканинг энг чекка ҳудудида жойлашганига қарамай олис овуллар аҳолиси ҳам сифатли тиббий хизматдан баҳраманд.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда муассасамиз томонидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, — дейди Қанликўл овулидаги «Олтинкўл» ҚВП мудираси, олий тоифали шифокор Қизларгул Алланазарова. — Тиббиёт масканимиз «Саломатлик-2» дастури бўйича жиҳозланган. Овул фаоллари билан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай ҳамкорлик туфайли ҳудуддаги 3- ва 16-сонли умумтаълим мактабларда таълим олаётган 521 нафар, болалар боғчасидан 101 нафар ўғил-қиз чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Қолаверса, фертил ёшидаги аёллар, кексалар, хорижда ишлаб қайтганлар ҳам текширувдан ўтказилиб, натижага кўра амбулатор ва стационар шароитларда даволанишлар амалга оширилди. ҚВП мудираси фаолият йўналиши бўйича белгиланган муддатларда овул фуқаролар йиғинида ҳисобот бериб келади.

Соғлом ҳаёт, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда тарғибот тадбирларининг аҳамияти катта. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2 нафар патронаж ва 1 нафар акушер-гинеколог, йиғиннинг Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси аъзолари ҳамкорлигида 1680 хонадон профилактик кўрикдан ўтказилди. Оилаларда тиббий маданият, юқумли касалликларга қарши кураш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатлари ҳақида мутахассислар иштирокида суҳбатлар ўтказилди.

Ҳудудда аёллар саломатлиги мустаҳкамлангани туфайли болалар соғлом туғилаётир.

— Хонадонларга ташриф буюрганимизда овулимизда соғлом турмуш тарзига амал қилаётган, бахтли яшаб, баркамол ўғил-қизларни тарбиялаётган оилалар кўплигига шоҳид бўляпмиз, — дейди Қонликўл овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулистан Алламуратова. — Бу эса меҳнатларимиз самараси сифатида бизни қувонтиради.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

AGROBANK

# Истиқболли лойиҳалар қўллаб-қувватланади

**Бугунги кунда кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи тармоқлардан бирига айланмоқда. Тадбиркорларга давлатимиз томонидан яратилаётган қулай шарт-шароитлар мазкур тармоқнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётир.**

■ **Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.**

Бунинг натижасида жойларда замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, турли йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари фойдаланишга топширилди. Асосийси, кишиларимизда мулкка муносабат тубдан ўзгарди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражаси янги босқичга кўтарилди. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг такомиллашуви юртимиз иқтисодиётининг юксалиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши, шунингдек, жойларда янги иш ўринларининг яратилишига ҳам омил бўлаётир.

Айни кунда бундай саъй-ҳаракатлар жараёни республика тижорат банклари зиммасига улкан масъулият юклаган. «Агробанк» акциядорлик тижорат банки соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган молия муассасаларидан. Жумладан, банкнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсати ва кўрсатилаётган молиявий кўмак тадбиркорларнинг ўз бизнес лойиҳаларини амалиётга дадил жорий этишида қўл келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошқарма ва унинг туман филиаллари томонидан мулкдорларга жами 55 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди. Натижада 2000 дан зиёд янги иш ўринлари яратилгани эътиборга лойиқ. Ана шу сармоялар туфайли ҳудудлар янада обод масканга айланди, халқимиз турмуши фаровонлашди.

Тадбиркорлар ўз бизнеси орқали оиласи даромадига улуш қўшибгина қолмай, аҳолига сифатли ва арзон хизматлар ҳамда маҳсулотларни тақдим қилаётир. Банк фаолиятида истиқболли бизнес режаларни молиялаштириш, ёш тадбиркорларнинг ўз қобилиятини тўла намоён этишларига кўмаклашишдек вазифалар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис айни пайтда «Агробанк» АТБнинг молиявий мададидан оқилона фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўяётган юртдошларимиз сафи тобора кенгаймоқда.

— Юртимизда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир, — дейди «Mag'rurbek yuksalish» хусусий корхонаси раҳбари Масрурбек Бадалов. — Бир-биридан кўркам, муҳташам замонавий бинолар, иншоотлар қад ростламоқда. Тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор ва кўмакдан руҳланиб, «Агробанк»нинг Шаҳрисабз филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Тошни майдалаш ва саралаш ускунаси сотиб олиш режалаштирилган лойиҳам банк ходимлари томонидан атрофлича ўрганилиб, 90 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилди. Ушбу сармоя туфайли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиб, 4 та янги иш ўрни яратдик.



Бугунги кунда банк томонидан юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла-тўкис таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли технология билан жиҳозланган қайта ишловчи кичик корхоналарни барпо этишга йўналтирилаётган кредитлар аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромад ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилаётир.

Ана шундай молиявий кўмакдан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини бошлаган «Зангтепа Давр» МЧЖ раҳбари Суҳроб Бўронов бугун ишбилармонликда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Тадбиркорнинг истиқболли бизнес лойиҳаси аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб тузилган. Совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун асбоб-ускуна ҳамда хомашё сотиб олиш мақсадида «Агробанк»нинг Ғузор филиалига мурожаат қилган тадбиркор қисқа муддатда 39 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитга эга бўлди. Куч ва ғайрат билан иш бошлаган ёш ишбилармон маблағни мақсадли сарфлаб, 5 та янги иш ўрни яратди. Унинг ишлаб чиқараётган совунлари харидоргир.

«Агробанк» АТБнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва филиаллари янги — 2015 йилда ҳам бундай саъй-ҳаракатларни давом эттириб, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш, янги иш ўринлари яратиш, юртдошларимизнинг ишбилармонлик салоҳиятини юзага чиқаришга аҳд қилишган.

**Хизматлар лицензияланган.**

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

# Рўйхат қандай шакллантирилади?

**САВОЛ:**

***— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан кам таъминланган оилалар рўйхати қандай шакллантирилади? Қандай оилалар кам таъминланган оила ҳисобланади?***

**Ш. РАҲИМБОЕВ.**
**Хоразм вилояти Гурлан тумани.**

**ЖАВОБ:**

— Маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги мавжуд комиссиялар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига асосан оилага нафақа ёки моддий ёрдам тайинланган бўлса, бундай оилалар бир вақтнинг ўзида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олиниши лозим.

Шунингдек, ўзини кам таъминланган оилалар рўйхатига қўшишларини сўраб маҳалла фуқаролар йиғинларига ариза билан мурожаат этган оилалар йиғинлардаги махсус комиссиялар томонидан ўрганилгач, кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинади.

■ **И. ДАМИНОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

АНЖУМАН

# Гўзаллик саломатлик билан уйғун

**Юртимизда спортнинг нафис турларини ривожлантириш, спорт билан шуғулланишини изчил йўлга қўйиш орқали аёллар саломатлигини асраш устувор вазифалар сирасидан. Бу борада Юртбошимиз раҳнамолигида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўтаётган йилнинг Соғлом бола йили деб номлангани ва унинг замирида аҳоли, айниқса, оналар ва қизлар саломатлигига алоҳида урғу берилгани фикримизнинг далилидир.**



■ **Элёр БОЙМИРЗАЕВ «Mahalla»**

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамкорлигида ташкил этилган «Мустақиллик йилларида хотин-қизлар спортининг ривожи: ютуқ ва муаммолар» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда айни шу хусусида сўз борди.

Айниқса, Президентимизнинг «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ёш авлод ўртасида спортнинг оммалашувида муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси жорий йилда аёллар спортини ривожлантириш, спорт соҳасидаги мураббий хотин-қизлар сафини кенгайтириш ишларини кучайтириш, ушбу жараённи янги босқичга кўтариш мақсадида барча масъул ташкилотларнинг доимий ҳамкорлик тизимини мустаҳкамлаш борасида амалий қадамларни ташлади.

Шунингдек, қишлоқ жойларида аёл мураббийлар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши» ташкил этилиб, ушбу йўналиш бўйича юзлаб қизларимиз таҳсил олмоқда. Хусусан, 2013 йилда 220 нафар талаба қабул қилинган бўлса, 2014 йилда 260 та квота ажратилди. 1999 йилда аёл мураббийлар сони 2845 нафарни ташкил этган эди. Бу кўрсаткич 2012-2013 йиллар давомида 15426 нафарга етди.

Бугунги кунда ҳудудларда 12 та синхрон сузиш, 14 та бадиий гимнастика федерациялари ташкил этилган. Уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида турли хил мусобақалар, марафон ва фестиваллар ўтказилиб келинмоқда. Шунга қарамай, аёллар спортини ривожлантиришда айрим ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор.

— Ҳозирги кунда хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналишига қабул қилиш квоталарини қайта кўриб чиқиш, вилоятлар кесимида эҳтиёж катта бўлган спорт турларига квоталарни кўпайтириш режалаштирилмоқда, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Озода Парпибоева. — Масалан, Сурхондарё вилоятида сузиш, бадиий гимнастика, волейбол, баскетбол, теннис ҳамда Сирдарё вилоятида волейбол, баскетбол, сузиш, гандбол, бадиий ва спорт гимнастикаси, теннис бўйича ўқитувчиларга талаб катта. Бундан ташқари, Хотин-қизлар қўмитаси ва масъул ташкилотлар ҳамкорлигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида таҳсил олаётган талаба-қизларнинг турмуш шароити, тўлов шартномаси, иш билан таъминланиш имконияти ўрганилмоқда. Ўрта махсус таълим муассасалари ва мактабларда фаолият юритаётган аёл мураббийлар спортчи қизларга мўлжалланган машғулотлар дастурини қайта кўриб чиқиш ва хотин-қизлар йўналишига қабул қилинган қизларнинг тиббий кўригини ташкил этиш кўзда тутилган.

Конференциянинг ялпи йиғилишидан сўнг иштирокчилар 4 та йўналишдаги шўъбаларда турли мавзуларда маърузалар тинглашди.

Шунингдек, йил давомида Хотин-қизлар қўмитасининг аёллар спортини ривожлантиришдаги фаолиятига яқиндан кўмак берган фаоллар тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Баситханова иштирок этди.

НУРОНИЙЛАР ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ

# Ҳар бир сўзи, насиҳати ёшларга ибрат



< [1]

— Маҳалламиз аҳли нуронийларнинг кўмак ва тажрибасига суянади, — дейди фуқаролар йиғини раиси Абдулҳай Абдуллаев. — «Нуроний» маркази фаоллари бой ҳаётий тажрибага эга отахону онахонлардан ташкил топган. «Ота-оналар университети», «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги фаолиятида самарадорликка эришиш, ёш оилаларни муросага келтиришда кайвониларнинг ўгитлари асқатмоқда. Маҳалламизда ўтказилган ўндан зиёд маърифий кеча, учрашувда нуронийлар фаол иштирок этди. Кексаларимизнинг ёшларга насиҳату маслаҳатлари самараси ўлароқ, бугун фарзандларимиз орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларга қўл урганлар қайд қилинмади.

Таъкидлаш жоизки, отахон ва онахонлар юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини оширишда ёшларга ибрат. Чунончи Насиба момо Умарова тиккан кашталар элга машҳур. Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган Шукрулло ота маҳалла аҳлига қулайлик яратиб, кўплаб хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини йўлга қўйган.

— Юртимиздаги хотиржамлик, фарзандларимизнинг тинч-осуда ўсиб вояга етаётгани улкан бахт, — дейди меҳнат фахрийси Қобил Расулов. — Юртбошимиз раҳнамолигида кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бизга куч-қувват бағишлаб, кўнглимизни кўтармоқда.

Нуронийларга кўмак беришни кундалик юмушга айлантирган йиғин ҳамда «Нуронийлар» маркази таълим муассасаси билан ҳамкорликда «Мададкор ёшлар» гуруҳини тузган. Гуруҳ аъзолари ҳар бир байрам арафасида ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиб, уларга совға-саломлар улашмоқда. Шунингдек, маҳаллада тажрибали, эл орасида обрў-эътибор қозонган 7 нафар нуронийдан иборат тарғибот гуруҳи ташкил этилган.

«Обиназар»да «Маҳалламизнинг эл ардоқлаган инсонлари», деб номланган маҳалла фахрийлари бурчаги ташкил этилган. Йиғинда анъанавий тарзда «Ибрат мактаби» шиори остида ёшлар билан давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

ОЛТИ ЁШДАН ОЛТМИШ ЁШГАЧА

# Мунтазам машғулот — мустаҳкам ирода

**Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятида баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етмаганлар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишда илғор тажрибалардан кенг фойдаланилади.**

■ **Э. БОЙМИРЗАЕВ «Mahalla»**

— Маҳалламизни «Спортчилар маскани», деб атасак тўғри бўлади, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Замира Ҳамидова. — Чунки қарийб олти ёшдан олтмиш ёшгача бўлган маҳалла аҳли спорт билан мунтазам шуғулланади. Туманлараро ўтказиладиган мусобақаларда вакилларимиз фахрли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда.

Албатта, бола ўзи яшаб турган шароит, турмуш тарзига уйғун тарзда ўсиб-улғаяди. Соғлом муҳит барқарор бўлган маҳаллада эзгу ниятли, теран фикрли, ватанпарвар ёшлар камолга етиши муқаррар. Маҳалланинг фидойи фаоллари ана шундай масъулиятни ўз зиммаларига олган.

Ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳудуддаги 250-мактаб маъмурияти билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Спорт майдончасида теннис, волейбол, баскетбол, футбол, гимнастика каби спорт турлари билан шуғулланиш имконияти яратилган. Ҳар ойда ёшлар ўртасида мусобақалар уюштирилмоқда. Соғлом турмуш тарзини жорий этиш мақсадида Замира Ҳамидова бошчилигида аёллар волейбол жамоаси ташкил қилинган бўлиб, кунора машғулотлар ўтказиб турилади. Жамоа бу йил «Аёллар спорт фестивали»нинг республика босқичида 11 та туман орасида 1-ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, маҳалланинг 20 нафар ўсмири мураббий Ўктам Набиев бошчилигида спортнинг самбо тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Мураббий кураш бўйича 2007 йилда Англияда ўтказилган самбо бўйича Лондон очиқ турнирларида 3-ўринни эгаллаб, юртимизга бронза медали билан қайтганди.

Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинлари ва ҳамкор ташкилотларнинг ҳамжиҳатлиги бир мақсад — ёшларни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлардан ҳимоялаш ҳамда уларни турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишга хизмат қилаётир.






## Таҳликали сафар

**Жорий йилда Европа қирғоқларига етиб олиш илинжида йўлга тушган уч минг нафардан зиёд муҳожир Ўрта ер денгизида ғарқ бўлган.**



Бу ҳақда «France-Presse» ахборот агентлиги БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссарияти маълумотларига таяниб хабар тарқатган.

Йил мобайнида мазкур денгиз орқали 207 мингдан зиёд муҳожир Кўҳна қитъага етиб олган. Бу кўрсаткич илгариги йиллардагидан уч баробар юқоридир.

«CNN» телеканали маълумотларига кўра, ноқонуний муҳожирларнинг ярмидан кўпини 2011 йил март ойидан буён фуқаролик уруши давом этаётган Эритрея ва Сурия фуқаролари ташкил этади.

Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, 2000 йилдан буён Ўрта ер денгизида 22 мингдан зиёд қочоқ ҳалок бўлган.

## Навбат — Марсга

**Россияда Марсга учадиган ракета яратишга киришилади.**



«ТАСС» ахборот агентлиги хабарида қайд этилишича, коинотда амалга ошириладиган узоқ муддатли дастур лойиҳаси тасдиқ учун ҳукуматга тақдим қилинган. Унга кўра, улкан космик мажмуа 25 йилда тайёр бўлиши лозим. 160-200 тонна юк кўтаришга қодир янги қурилма 2040 йил ёзда халқаро экспедиция иштирокида кўкка парвоз этади.

Шунингдек, дастурда Ойга учиш учун мўлжалланган юқори оғирликдаги ракетани қуриш ҳам назарда тутилган. 2028 йилга бориб тайёр бўладиган мазкур қурилма 80-85 тонна юкни кўтара олади. Ўша йилдан Ойда орбита станцияси қуришга киришилади.

Узоқ муддатли дастурни тузишда «Роскосмос», «Росатом», Россия Фанлар академияси космик тадқиқотлар институти, Курчатов номидаги институт ва бошқа йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари иштирок этган.

## Бирйўла 24 миллион дона

**«Apple» компанияси 2015 йилда 24 млн. дона «ақлли» соат — «Apple Watch» ишлаб чиқаришга буюртма берди.**



«Taiwan's United Daily News» нашрининг қайд этишича, «Apple» соатларини ишлаб чиқарувчи «Quanta Computer» компанияси буюртмани бажариш учун янги ходимларни ишга қабул қилиш суръатини жадаллаштирган. Дастлаб ишчилар сони 2 мингдан 10 минг нафарга қадар оширилади. Яқин даврда бу кўрсаткич икки баробарга ортиши мумкин.

«Apple» ўзининг илк соатларини сентябрь ойи бошида янги «iPhone 6» ҳамда «iPhone 6 Plus» қурилмалари билан бирга намойиш қилганди.

■ **Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

БУ ҚИЗИҚ!

# *Янги йил қаерда қандай кутиб олинади?*



**Янги йилни жаҳон халқлари ўзига хос анъана ва хурсандчилик билан қаршилайди. Шу боис ушбу байрам асрлар давомида яшаб келаётган урф-одат ва анъаналарга бойдир.**

■ **Олтиной МАДАМИНОВА тайёрлади.**

Жумладан, **Англияда**, қадимий анъаналарга кўра, соат 24:00 га бонг ура бошлагач, эски йил чиқиб кетиши учун уйларнинг чиқиш эшиклари очиб қўйилади. Охирги бонгдан сўнг эса, янги йил кириб келиши учун кириш эшиклари ланг очилади. Шу куни Лондон кўчаларида катта сайил уюштирилиб, Беркли майдонига келган кишилар карнавал иштирокчисига айланади.

Инглизлар Янги йилда ташриф буюрган биринчи меҳмон хонадон аъзоларига, албатта, омад келтиришига ишонишади. Меҳмондорчиликка нон, пирог, туз ва бир бўлак кўмир олиб борилади. Чунки нон ва пирог мўл-кўллик, кўмир иссиқлик, туз эса бойлик рамзи ҳисобланади. Лондондаги машҳур «Big Ben» соати 24:00 га бонг урганда мушакбозлик бошланади ва ҳамма байрам мадҳиясини куйлайди.

**Италияда** янги йилгача қарзлардан қутулиб, синиқ идиш, эски кийим ва мебеллар кўчага улоқтирилади. Агар Янги йил кечаси эски буюмлар кўчага улоқтирилса, келаётган йилда янгиси сотиб олинишига итальянлар ишонишади. Италиялик болалар сеҳргар Бефанани интиқиб кутишади. Чунки Фея Бефана кечқурун келиб камен қувурига атайлаб илиб қўйилган болалар бошмоқларини совға-саломга тўлдириб кетаркан. Аммо тўполончилар бундай совғадан умид қилмасалар ҳам бўлади. Чунки Бефана «қулоқсиз болалар»га кўмир бўлагини ташлаб кетаркан. Янги йил кирган оқшомнинг эртасига кўчада кекса ёки букри одамни учратиш, бундан ташқари, эрта тонгда, яъни қуёш чиққунга қадар уйга булоқдан сув олиб келиш итальянлар одатига кўра хайрлидир.

Мамлакатнинг айрим ҳудудларида Янги йил кириб келишидан олдин бойбадавлат бўлиш ниятида 12 дона узум истеъмол қилинади. Фарзанд кўриш орзусидаги эр-хотинлар биргаликда анор ейишади, турмушлари фаровон бўлишини хоҳлаганлар эса 1 январь куни чўнтакларини тўлдириб кўчага чиқишади.

**Хитойликлар** ҳам худди италияликлар каби қарздан қутулишга ҳаракат қилишади. Уларда яна бир қизиқ анъана бор: байрамни кутиб олишга келган меҳмон хонадон соҳибларига 2 та мандарин совға қилади. Ўз навбатида, у қайтаётганда уй эгаларидан 2 та бошқа мандарин олади. Бу одат тахминан милоддан 1000 йил аввал пайдо бўлган ва бир жуфт мандарин «олтин» маъносини англатади. Чин ўлкасида оила аъзоларидан бири байрамда қатнаша олмаса ҳам унга дастурхон атрофида жой қолдирилади. Янги йил кириб келаётган пайтда пичоқ ишлатилмайди. Чунки у ғойибдан келадиган бахт ёки омадни бехосдан кесиб қўйиши мумкин экан.

**Вьетнамда** Янги йил Тет деб номланади. Мамлакат шимолидаги хонадонларда байрам арафасида гуллаётган шафтоли шохчаси ўрнатилади ёки кичкина мандарин дарахти ясатилади. Кўчалар эса новда ва гулдасталар билан безатилади. Жанубдаги уйларда беш дона ўрик гулли шохчалар «арча» вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, уй меҳробига тарвуз қўйишади. Тарвузнинг қип-қизил ширин бўлаклари омад келтираркан.

Тет оилавий байрам бўлиб, фарзанд ва набиралар бобо, буви ва ота-оналарини табриклашади. Катталар ҳам оиланинг кичик аъзоларини қутлаб, уларга қизил халтачаларда пул совға қилишади. Вьетнамликларда зоғорабалиқ сотиб олиб, Янги йилдан кутаётган ниятларини айтиб ариқ ёки ҳовузларга қўйиб юбориш анъанаси ҳам бор.

*Газетанинг №1(1073) Янги йил сони 2015 йил 1 январь, пайшанба куни чиқади.*

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: З.Ҳайитова
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

Нашр кўрсаткичи: 148 | 19985 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1708 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00